

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/33 - сонли

Тошкент вилояти.

" 27 " 04 2022 йил

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга *буюртмачи* хизмати” ДУК (кейинги ўринда “*буюртмачи*”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Нурматов Бахтиёр Бахромжонович** бир томондан ва **Тошкент ТЙФУК** (кейинги ўринларда “*пудратчи*”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Саипов Нодир Гафуржанович** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти **Оҳангарон шаҳар 2-мактаб ҳудуди йўлларини жорий таъмирлаш** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан harid.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 70329) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 22 апрелдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *буюртмачи* томонидан *пудратчига* ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчига* жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС билан 288 350 565 (Икки юз саксон саккиз миллион уч юз эллик минг беш юз олти миш беш) сўм**, шундан **ҚҚС 37 610 943 (Ўттиз етти миллион олти юз ўн минг тўққиз юз қирқ уч) сўм**ни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан *пудратчининг* ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми *буюртмачи* томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча қилишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қилиниши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтирилиши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачига* топшириш, қилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* қилиш давомида смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачига* хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қилиш майдонини ўзига тегишли қилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-қилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча муружаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан *пудратчига* молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг **30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш** ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказиши.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вақтини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида қўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

8.6. *Пудратчи* ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича *Пудратчи* Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *буюртмачи пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект *буюртмачи* томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчида* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни

фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқизилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ махсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиш соҳасидаги амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, қурилиш нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқизишга ихтисослашган, кўп йиллик таърибага эга корхона (ташкilot, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича ҳулосаларини олиш талаб қилинади.

2). Бажарилган ишлар (хизматлар)ни ҳақиқий иш ҳажминини аниқлаш учун банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказилади (ўлчов назорат харажати пудратчининг бошқа харажатлари ҳисобидан қопланади);

3). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). Ички йўллари жойларда фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

ХII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­но­ма юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа конун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулк­ий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаш­тирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи пудратчига* кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқ­дорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқ­дорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шахарсозлик нормалари ва қоидалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқ­дорида жарима ундириш ҳуқуқига эга. *Буюртмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) миқ­дорида жарима тўлайди.

14.5. *Буюртмачи Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

“Тошкент вилояти минтакавий йўлларга
буюртмачи хизмати” ДУК
Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Бобур
кўчаси 119 уй
Ш/х: 3045 2186 02 74 0170 4520 1118 166
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Ғазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор

Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев

ПУДРАТЧИ

Тошкент ТЙФУК
Тошкент вилояти Тошкент тумани
Шифобахш сувлар кўчаси 80 уй,
х/р: 2262 6000 4008 3570 6001
ИНН 305 261 978 МФО 00451
ТИФ Миллий банк Тошкент шаҳар бош
бошқармаси Амалиёт бошқармаси
ОКЭД 42110
Тел: 55-501-78-10

Директор

Н.Г.Саипов

Тошкент вилояти Охангарон шаҳар 2-мактаб ҳудуди йўлларини
жорий таъмирлаш

2022 йил "27" 04 даги 2022/33-сонли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Охангарон шаҳар 2-мактаб ҳудуди йўлларини жорий таъмирлаш

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

		2022 йилда объект қиймати													Иш турлари бўйича умумий қиймати
№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Жорий таъмирлаш	2022				288 350 565									288 350 565
ҲАММАСИ:		2022													288 350 565



БЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎ



ПЎДРЎТЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎ

Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар 2-мактаб
худои йўллари жорий таъмирлаш
2022 йил "27" 04 даги 2012/4 сонли
шартномасига

2-илова

Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар 2-мактаб ҳудуди йўллари жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Молиялаштириш жадвали	Йил-лар	2022 йил												
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	Жами
Ажратилган аванс маблағи	2022				86 505 170									86 505 170
Ажратилган аванс маблағини инобатга олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратилган маблағ	2022				201 845 395									201 845 395
Жами:	2022				288 350 565									288 350 565
Жами молиялаштирилган маблағ		288 350 565 (Икки юз саксон саккиз миллион уч юз эллик минг беш юз олтиш беш)												



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 70329 на приобретение Оҳангарон шаҳар 2-мактаб ҳудуди йўлларини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 22.04.2022

Время рассмотрения 21.04.2022 18:51

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Sektor mudiri	Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi
Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	директор	Тошкент вилояти МЙБХ ДУК
Секретарь комиссии	JUMAYEV SUXROB UKTAM O'G'LI	Bosh mutaxassis	Toshkent viloyati MYBX DUK
Член комиссии	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Bosh mutaxassis	"O'ZYO'LINSPEKSIYA"
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZXON ISKANDAR O'G'LI	Yetakchi mutaxassis	Toshkent viloyati hokimligi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.04.2022 года № лота 70329.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Оҳангарон шаҳар 2-мактаб ҳудуди йўлларини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	299 390 579.00
Стартовая сумма	299 390 579.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхатн, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзлағдарувчилар - 2 дона; 2. Асфальтётқизгич кенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлағичлар - 2 дона (бир хил зичлағичлар 1 та ҳисобига саналади); 5. Автогрейдер -1 дона; 6. Ювиш машинаси– 1 дона (ижара асосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	20	1	0	Экспертная		
ООО GMG REALWAY	20	287060649	2	Экспертная		
УП TOSHKENT TUMAN YO`LLARDAN	20	288350565	11	Экспертная		

Критерий №2 V. Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги. 2. Лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	2	1	1	Экспертная		
ООО GMG REALWAY	2	287060649	2	Экспертная		
УП TOSHKENT TUMAN YO`LLARDAN	2	288350565	2	Экспертная		

Критерий №3 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп. 7. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	34	1	10	Экспертная		
ООО GMG REALWAY	34	287060649	34	Экспертная		
УП TOSHKENT TUMAN YO`LLARDAN	34	288350565	34	Экспертная		

Критерий №4 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажы 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломи 1 та мутахассисни мавжудлиги.. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган

малакавий ишчилар мавжудлиги.. 5. Ишчи ходимларнинг йиллик ўртача сони 20 киши. 6. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	19	1	0	Экспертная		
ООО GMG REALWAY	19	287060649	9	Экспертная		
УП TOSHKENT TUMAN YO`LLARDAN	19	288350565	19	Экспертная		

Критерий №5 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	25	1	0	Экспертная		
ООО GMG REALWAY	25	287060649	25	Экспертная		
УП TOSHKENT TUMAN YO`LLARDAN	25	288350565	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УП TOSHKENT TUMAN YO`LLARDAN	299 390 579.00	288 350 565.00	21.04.2022 12:21:07	29.87
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	299 390 579.00	275 400 000.00	20.04.2022 17:10:25	
ООО GMG REALWAY	299 390 579.00	287 060 649.00	20.04.2022 17:46:49	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УП TOSHKENT TUMAN YO`LLARDAN	63.7	29.87	93.57
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	7.7		7.7
ООО GMG REALWAY	50.4	30	80.4

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 70329 от 22.04.2022 года на приобретение Оҳангарон шаҳар 2-мактаб ҳудуди йўллари жорий таъмирлаш определила победителем:

УП TOSHKENT TUMAN YO`LLARDAN
305261978

и резервный исполнитель: ООО GMG REALWAY (302695258)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZXON ISKANDAR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"Тасдиқлайман"

Тошкент вилояти ҳокими
ўринбосари

Ш.Махмудов

2022 й.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги ЎРҚ-742 сон Қонунига мувофиқ Тошкент вилояти Охангарон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январ ҳолатига эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан
Халқ депутатлари Охангарон шаҳар Кенгашининг 11.02.2022 й. №VI-39-4-10-214-К/22 сонли фармойишларига асосан ажратилган маблағлар ҳисобидан мивтақасий ички автомобиль йўлларини таъмирлаш ишлари бўйича 2022-йил учун

МАНЗИЛИ РЎЙХАТИ

Т/Р	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугатилиши йили	Лойиҳавий қувват, тегиниш ўлчоғи бирликларида (кв/м)	Таъмирлаш ишларининг пурат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг таъмирлаш ишлари қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг таъмирлаш ишлари қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	2022 йил режаси				2022 йилда ишга туширилиши		Объектнинг қолғуси йилга ўтказилган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Объектнинг қолғуси йилга ўтказилган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Лойиҳа экспертиза санини ва рақамини	Тендер саволлари баёниҳис тасдиқланган сана ва рақамини	Пурат қурилиш ташкилотлари	
								Жами маблағлар лимити	ҚМИ	Жихозлар	Шу жумладан		Қуввати ва муддати						Асосий фондлар
											Буюртмачининг бошқа харажатлари								
											Жами	Шундан буюртмачининг саклаш харажатлари							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
	Тошкент вилояти Охангарон шаҳар бўйича жами:		0,422				518,000	496,115			21,884	16,316							
1	2-мактаб ҳудуди йўлларини жорий таъмирлаш	2022 й	0,290	304,639	304,639	304,639	304,639	304,639	288,351		16,288	13,000	0,290 IV-чорак	304,639		78/3п-2022 11.03.2022	№70329 22.04.2022	Тошкент ТЙФУК	
2	Бирлик МФЙда жойлашган Шарк кўчасини жорий таъмирлаш	2022 й	0,132	16,288	16,288	16,288	16,288	213,361	207,765		5,596	3,316				78/4п-2022 11.03.2022		Танлов (тендер) асосида	

*Изоҳ: Параметрларга лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилиб давлат экспертиза кўригидан ўтказилиб тендер натижасидан сўнг аниқлик киритилади.

"Киритди"

Тошкент вилояти
"Мивтақасий йўлларга буюртмачи
хизмати" ДУК директори

Б.Нурматов

2022 й.

"Қелишили"

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Молия бosh бoshқармаси
Раиси

О.Халиқулов

2022 г.